

“Гарант банк” акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши мажлисининг
4 - сонли баёни Кучирма

2026 йил 2 февраль

Тошкент шаҳри
С.Барака кўчаси 78 уй

Қатнашдилар:

Кузатув Кенгаши раиси – А.Х. Ахраров
Кузатув Кенгаш аъзолари – А.А. Таджиев,
З.С. Мавлянов, Ф.М. Шакиров, М.М. Мухитдинов, С.Б.
Умаров, А.Р. Асамов, Ли Цзыцзянь – йиғилиш кворуми
100%

Таклиф қилинди:

Бошқарув раиси – К.М. Адилов

Кун тартиби:

Банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Мирзаев Баходир Алимовични бошқарув аъзоси сифатидаги ваколатларини тугатиш

Йиғилишни кузатув кенгаши раиси Ахраров Азиз Хамидуллаевич йиғилиш раиси сифатида олиб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди:

Банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Мирзаев Баходир Алимович билан 2023 йил 11 январь куни тузилган меҳнат шартномаси 2026 йил 2 февраль кунидан тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги келишувга асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддаси бўйича бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон Қонуни (янги таҳрирда)нинг 75-моддаси биринчи қисмига асосан жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш киради.

Банк Бошқарув аъзосининг ваколатларини муддатидан аввал тугатишга у билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиниши асос бўлади.

Йиғилиш иштирокчиларининг кун тартибидаги масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини эшитиб, кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Гарант банк” акциядорлик жамияти Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Мирзаев Баходир Алимович билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиниши муносабати билан унинг бошқарув аъзоси сифатидаги ваколатлари тугатилсин.

2. Мазкур қарор ижроси устидан назорат қилиш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Қаршилар: йўқ. Бетарафлар: йўқ.
Бир овоздан тасдиқланди.

Котиб



Б.И. Қудратов